

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOЛИЯ VAZIRINING
BUYRUGI**519** Чекланган тарифлар бўйича аҳоли ташишда мунтазам шаҳар йўловчилар ташувини бажариш билан банд бўлган ташувчиларни молиялаш тўғрисидаги низом ва унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
9 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 963-2*

(2012 йил 19 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 17 сентябрдаги 273-сонли «Умумий фойдаланиладиган транспортда йўловчи ташувчилар фаолиятини ҳамда уларни молиялаштириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 38-сон, 437-модда) мувофиқ **буюраман**:

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2000 йил 17 августда 76-сон билан тасдиқланган Чекланган тарифлар бўйича аҳоли ташишда мунтазам шаҳар йўловчилар ташувини бажариш билан банд бўлган ташувчиларни молиялаш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 963, 2000 йил 30 август) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2000 й., 16-сон);

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2008 йил 3 июлдаги 70-сон «Чекланган тарифлар бўйича аҳоли ташишда мунтазам шаҳар йўловчилар ташувини бажариш билан банд бўлган ташувчиларни молиялаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруқ (рўйхат рақами 963-1, 2008 йил 16 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 288-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги ҳамда «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Вазир

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 октябрь,
77-сон

45 (545)-сон

— 75 —

519-520-моддалар

Келишилган:

*Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиги*

А. АБДУВАЛИЕВ

2012 йил 24 октябрь

*«Тошшаҳартрансхизмат»
уюшмаси раиси*

Ш. МУХАМЕДЖОНОВ

2012 йил 24 октябрь